

# Фикҳ

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

Рўза китоби

Таржимон: Ислом нури веб саифаси

[www.Islamnuri.com](http://www.Islamnuri.com)

2013 - 1434

[MyIslamicBooks.tk](http://MyIslamicBooks.tk)

1. Рамазон рўзасининг вожиблиги ва унинг вақти ҳақидаги боб
2. Кундалик рўзанинг бошланиш ва ниҳояланиш вақти ҳақидаги боб
3. Рўзани бузувчи ишлар ҳақидаги боб
4. Рўзанинг қазосига доир аҳкомлар ҳақидаги боб
5. Кексалик ёки беморлик туфайли рўза тутолмайдиган одамга лозим бўлган нарс ҳақидаги боб

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

## **Рамазон рўзасининг фарзлиги ва унинг вақти ҳақидаги боб**

Рамазон ойида рўза тутиш Ислом рукнларидан бир рукн ва Аллоҳнинг фарзларидан бир фарздир.

Бунга Китоб, Суннат ва ижмоъ далил бўлади.

Аллоҳ таоло айтади: «Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди. Энди сизлардан бирор киши ҳаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда тутати. (Кексалик ёки заифлиги сабабли) рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг бир кунлик таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим. Ким ўз ихтиёри билан зиёда яхшилик

қилса (лозим бўлганидан ортиқроқ эваз тўласа), ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишингиз ўзингиз учун (эваз бериш ёки ҳатто узрли ҳолатда рўза тутмасликка нисбатан) яхшироқдир. (У санокли кунлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва фурқон (ҳақ билан ботилни ажратувчи)нинг очиқ оятлари бўлиб Қуръон нозил қилинган. Сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин» (Бақара: 183-185).

«Сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин» оятидаги буйруқ фарзликни ифодалайди.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ислом беш (асос) устига қурилган: Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир деб гувоҳлик бериш, намозни барпо қилиш, закотни адо этиш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш» (Бухорий (8) ва Муслим (16) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Рўзанинг фарзлигига ва фазилатига далолат қилувчи ҳадислар кўп ва машҳурдир.

Мусулмонлар рўзанинг фарз эканига ва уни инкор қилган кишининг кофир бўлишига ижмоъ-иттифоқ қилганлар.

Рўзанинг машруъ бўлишидаги ҳикматларни айтсак, у билан қалблар тозаланади, разил ахлоқлар ва тубан истак-хоҳишлардан покланади. Чунки, рўза инсон баданидаги шайтон юрадиган йўллари торайтиради.

Маълумки, шайтон инсоннинг қон томирларида юради. Инсон еб-ичиб турган пайтида нафси шаҳватлар учун кенгайиб, иродаси заифлашиб, ибодатга рағбати камаяди. Рўзада бунинг акси юз беради.

Рўзада дунёдан ва дунё шаҳватларидан юз ўгириш ва охиратга рағбатланиш пайдо бўлади.

Унда мискинларга меҳр-мурувват туйғулари уйғонади, уларнинг алам-оғриқларини ҳис қилиш вужудга келади. Чунки, рўзадор одам очлик ва ташналик азоби нималигини ўзи тотиб кўради. Зеро, рўза шариатда – ейиш, ичиш, жимоъ ва шу каби шариатда баёни келган ишлардан ният билан тийилиш маъносини англатади, беҳуда иш-амал ва бемаъни гап-сўзлардан тийилиш ҳам шу маънога дохил бўлади.

Рўзанинг кундалик фарз бўлиш вақти субҳи содиқдан, яъни, уфқда ёйилган оқликдан бошланиб, кун ботиши билан ниҳоясига етади. Аллоҳ таоло айтади: «Энди улар билан (яъни, аёлларингиз билан рўза кечаларида ҳам бемалол) қовушингиз ва Аллоҳ сизлар учун ёзган нарсани (фарзандни) талаб қилингиз! То тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар. Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар!» (Бақара: 187). «Оқ ип қора ипдан ажраладиган пайт»дан мурод кундузнинг ёруғлиги туннинг қоронғулигидан ажраладиган пайт, демакдир.

Рамазон ойи рўзасининг фарзлиги эса ой киргани маълум

бўлганидан бошланади. Ойнинг киргани уч нарса билан билинади:

Биринчиси: Унинг ҳилолини – янги ойини кўриш билан. Аллоҳ таоло айтади: «Сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин» (Бақара: 185).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ойни кўриб, рўза тутинглар», деганлар (Бухорий (1909) ва Муслим (1081) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Ойни кўрган кишига рўза тутиш фарз бўлади.

Иккинчиси: Ойни кўрилганига гувоҳлик ёки бу ҳақда хабар берилиш билан. Битта адолатли мукаллафнинг кўриши билан рўза тутилади, унинг бу ҳақда берган хабари кифоя қилади. Чунки, Ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтишларича: «Одамлар Рамазон ойини кўргани чикдилар, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ойни кўрганим ҳақида хабар берган эдим, ўзлари ҳам рўза тутдилар, одамларни ҳам тутишга буюрдилар» (Абу Довуд (2342) ривояти, Ибн Ҳиббон (8/231) ва Ҳоким (1/585) ривоят қилиб, саҳиҳ санаганлар).

Учинчиси: Шаъбон ойини ўттиз кун тўла қилиш билан. Қачонки, шаъбоннинг ўттизинчи кунига ўтар оқшомида булут, туман каби тўсиқлар бўлган ҳолида ёки бўлмаса ҳам ҳилол кўринмаганда шундай қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ой йигирма тўққиз кундир, то (рамазон) ҳилолини кўрмагунча рўза

тутманглар ва то (шаввол ҳилолини) кўрмагунча рўзадан чиқманглар. Агар булутли бўлса, шунинг ўлчовини олинглар» (Бухорий (1907) ва Муслим (1080) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). «Шунинг ўлчовини олинглар» дегани шаъбон ойини ўттиз қилиб тўла қилинглари, маъносидадир. Чунки, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан собит бўлган ҳадисда келганки: «Агар сизларга булутли бўлса, ойна ўттиз кун қилинглари» (Бухорий (1909) ва Муслим (1081) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Рамазон рўзаси ҳар бир мусулмон, мукаллаф, қодир кишига фарздир. Кофирга фарз эмас, агар тутса, яроқли саналмайди. Агар кофир ой асносида тавба қилса, ойнанинг қолган қисмида рўза тутсади, куфр ҳолида бўлган вақтига қазо лозим бўлмайди.

Ёш болага рўза фарз эмас, лекин ақлини таниган ёшдаги боланинг тутган рўзаси саҳиҳ-яроқли бўлади ва унинг ҳаққида нафл бўлиб қолади.

Мажнунга рўза фарз эмас, агар жунун ҳолида рўза тутса, ният бўлмагани учун рўзаси дуруст бўлмайди.

Рўзадан ожиз бўлувчи беморга, шунингдек, мусофирга рўзани вақтида тутиш фарз эмас, касаллиги ва сафаридан хориж бўлганидан кейин қазосини тутсади. Аллоҳ таоло айтади: «Энди сизлардан бирор киши ҳаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини

бошқа кунларда тутади» (Бақара: 184).

Рўзанинг фарзлиги ҳақидаги хитоб муқимга ҳам, мусофирга ҳам, соғга ҳам, касалга ҳам, пок аёлга ҳам, ҳайзли ва нифосли аёлга ҳам, беҳушга ҳам бирдек тегишли. Уларнинг ҳаммасининг зиммасига рўза фарз бўлади.

Бироқ, уни тутишга бўлган қасд икки хил, яъни адо (вақтида тутиш) ва қазо (кейин тутиш) шаклида бўлади.

Баъзилар рўзани шу ойнинг ўзида адо қилиб, яъни ўз вақтида тутишга буюрилдилар. Улар – соғлом ва муқим кишилардир, ҳайзли ва нифосли аёллар бундан мустасно.

Баъзилар эса фақат қазосини тутишга буюрилдилар. Улар – ҳайзли ва нифосли аёллар, шунингдек, рўзани ўз вақтида тутишга қодир бўлмайдиган касаллардир.

Яна бир тоифа кишилар икки иш ўртасида ихтиёрли қилиндилар. Улар – рўза тутиш билан ўта қийналиб қолмайдиган мусофир ва бемор кишилардир.

Қай бир киши бирон узр сабабли рўза тутмаган бўлса, кейин рамазоннинг кундузи асносида узри ариса, масалан, мусофир сафаридан қайтиб келса, ҳайз ва нифосли аёл покланиб қолса, кофир Исломни қабул қилса, мажнун жунунидан тuzалса, ёш бола балоғатга етса, булардан ҳар бирига куннинг қолган қисмида оғизлари берк бўлиш ва кейин шу куннинг қазосини ҳам тутиш фарз бўлади.

Шунингдек, ойнинг киргани кундузи аниқ маълум бўлса,

мусулмонлар шу куни оғизларини бекитадилар ва рамазондан сўнг бир кун қазо тутадилар.

## **Кундалик рўзанинг бошланиш ва ниҳояланиш вақти ҳақидаги боб**

Аллоҳ таоло айтади: «Сизларга рўза кечасида хотинларингизга қўшилиш ҳалол қилинди. Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз (яъни эр-хотин бир-бирига киши либосга муҳтож бўлгани каби муҳтождирлар). Аллоҳ сизлар ўзларингга хиёнат қилаётганларингни билиб, тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни афв этди. Энди улар билан (рўза кечаларида ҳам бемалол) қовушингиз ва Аллоҳ сизлар учун ёзган нарсани (фарзандни) талаб қилингиз! Ва то тонгдан оқ ип қора ипдан (яъни, тонг ёруғлиги тун қоронғулигидан) ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар. Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар! (Бақара: 187).

Имом Ибн Касир раҳимахуллоҳ айтади: «Бу Аллоҳ таоло тарафидан мусулмонларга бўлган рухсат ва Исломнинг аввалида жорий бўлган ишни улардан кўтаришдир. Яъни, аввалда улардан бир киши оғзини очганидан сўнг еб-ичиш ва жимоъ қилиш то хуфтон намозигача ёки хуфтондан олдин ухлаб қолгунича мумкин бўларди. Ухлаб қолса ёки хуфтонни ўқиса, шундан сўнг келгуси куни окшомигача ейиш-ичиш ҳам, жимоъ ҳам ҳаром бўларди. Бундан улар



анчагина қийинчилик тортдилар. Шундан сўнг ушбу оят нозил бўлди ва бу билан улар кўп хурсанд бўлдилар. Чунки, Аллоҳ таоло рўзадорга туннинг истаган пайтида, то тонг ёруғлиги тун қоронғулигидан ажраладиган пайтгача еб-ичиш ва жимоъ қилишга рухсат берган эди» (Тафсир Ибн Касир: 1/288-290).

Ояти каримадан рўзанинг кундалик бошланиш ва ниҳояланиш чегараси маълум бўлди, унинг бошланиши тонгнинг иккинчи ёришиши (яъни субҳи содиқ)дан, ниҳояси эса кун ботиши билан экани билинди.

Аллоҳ таолонинг тонг отгунича еб-ичишга рухсат беришида саҳарлик қилишнинг мустаҳаб эканига далил бордир.

«Саҳихайн»да Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Саҳарлик қилинглр, зеро саҳарликда барака бордир», деганлар (Бухорий (1923) ва Муслим (1090) ривоятлари).

Бир ютум сув билан бўлса-да саҳарлик қилишга тарғиб қилувчи кўп асарлар ворид бўлган. Саҳарликни тонг отиш пайтигача кечиктириш мустаҳабдир.

Агар бир одам жунуб ҳолатда уйғонса, ёки ҳайзли аёл тонг отишидан олдин покланса, ҳар иккиси ҳам аввал саҳарлик қилиб, рўза тутиб оладилар, ғусл қилишни тонг отгандан кейинга кечиктирадилар.

Айримлар бўладики, тунни бедор ўтказадилар-да, эрта

сахарлик қилиб, тонг отишидан бир-икки соат олдин ухлаб оладилар. Ундай кишилар бир неча хатоларга йўл қўяётган бўладилар:

Биринчидан, рўзани вақтидан олдин тутиб олишади.

Иккинчидан, бамдод намозини жамоат билан ўқишни тарк қилишади ва Аллоҳ таоло фарз қилган жамоат намозини тарк қилиш билан Аллоҳга осий бўлишади.

Учинчидан, айрим ҳолларда бамдод намозини вақтидан кечиктириб ўқишади ёки умуман қазо қилиб, кун чиққанидан кейин ўқишади. Бу эса энг катта гуноҳлардан саналади. Аллоҳ таоло айтади: «Намозларини «унутиб» қўядиган кимсалар бўлган «намозхон»ларга ҳалокат бўлгай» (Моъун: 4, 5).

Фарз рўзага тунда ният қилиш зарур. Агар рўзага ният қилса-ю, уйғонганида тонг отиб кетган бўлса, рўза тутиб олаверади, рўзаси камчиликсиз ва яроқли бўлади, иншааллоҳ.

Кун ботганини кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қилса ёки азон ё бошқа ишончли хабар воситасида куннинг ботгани ҳақида гумони ғолиб бўлса, ифтор қилишга шошилиши мустаҳабдир. Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Одамлар модомики ифтор қилишга шошилар эканлар, яхшилик узра бўлаверадилар» (Бухорий (1957) ва

Муслим (1098) ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Парвардигор азза ва жалладан ривоят қилган ҳадиси қудсийда шундай дейилади: «Бандаларим ичида Менга энг суюкли бўлганлари ифтор қилишга шошилувчироқларидир» (Термизий (700), Ибн Хузайма (2062), Ибн Ҳиббон (8/275, №3507) Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Оғизни рутоб (янги пишган хўл хурмо) билан очиш суннатдир, рутоб бўлмаса, тамр (куруқ хурмо) билан очади, тамр ҳам бўлмаса, сув билан очади.

Анас розияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқишдан аввал бир неча рутоб билан ифтор қилар эдилар. Агар у бўлмаса тамр билан, у ҳам бўлмаса бир неча қултум сув билан ифтор қилар эдилар» (Аҳмад (3/164, №1267), Абу Довуд (2356) ва Термизий (696) ривоятлари). Агар рутоб ҳам, тамр ҳам, сув ҳам бўлмаса, топган емак-ичмаги билан ифтор қилаверади.

Шу ўринда эътибор қаратиш лозим бўлган бир иш бор. У ҳам бўлса, баъзи одамлар ифтор дастурхонида бемалол кечки овқатларини тановул қилиб ўтириб, шом намозини масжидда жамоат билан ўқишни тарк қилишади ва бу билан жуда катта хатога йўл қўйишади, ўзларини улкан савобдан маҳрум ва уқубатга дучор қилишади. Аслида, рўзадор оғзини очиб олгач, масжидга бориши, намоздан қайтиб

келгач, кечки овқатини тановул қилиши лозим.

Рўзадор оғиз очиш пайтида истаган дуоларини қилиши мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рўзадорнинг ифтори олдида рад қилинмас дуоси бўлади», деганлар (Ибн Можа (1753) Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган, исноди саҳиҳ).

Муоз ибн Зухрадан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ифторлари пайтида: «Аллоҳумма лака сумту ва ала ризқика афтарту» «Эй Парвардигор, Сен учун рўза тутдим ва Сен берган ризқ билан ифтор қилдим», дердилар (Абу Довуд (2358) ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ифтор қилган пайтларида: «Чанқоқ қонди, томирлар хўлланди ва ажр собит бўлди, иншааллоҳ», дердилар (Абу Довуд (2357) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган).

Ҳоказо, мусулмон киши рўза тутиш ва оғиз очишнинг вақти ва сифати ҳақидаги аҳкомларни ўрганиши, рўзасини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига мувофиқ машруъ кўринишда адо этиши, шу билан рўзаси яроқли ва амали Аллоҳ хузурида мақбул бўлишига эришмоғи лозим. Чунки, бу жуда муҳим ишлардан саналади. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй мўминлар), сизлар учун — Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбари

(иймон-эйтиқоди ва хулқи атвори)да гўзал ибрат бордир»  
(Ахзоб: 21).

### Рўзани бузувчи ишлар ҳақидаги боб

Айрим ишлар борки, уларни қилиш билан кишининг рўзаси бузилади. Мусулмон киши улардан сақланиши ва эҳтиёт бўлиши учун уларни билиб олиши лозимдир. Улар қуйидагилар:

1) Жимоъ (жинсий алоқа). Жимоъ қилган кишининг рўзаси бузилади ва шу куннинг қазосини тутиши, қазо билан бирга каффорат ҳам бериши лозим бўлади. Каффорат – бир кул озод қилишдир. Агар кул бўлмаса ёки шу миқдорда пули бўлмаса, икки ой узлуксиз рўза тутати. Агар бирон шаръий узр сабабли бунга қодир бўлмаса, олтмишта мискинга таом бериши лозим. Ҳар бир мискинга шу диёрда истеъмол қилинадиган таомдан ярим соъ миқдорида беради.

2) Бўса олиш, қучоқлаш, жинсий олатини қўл билан жунбушга келтириш ёки шаҳват билан боқиш каби ишлар билан маний (уруғ суви) чиқариш. Бундай қилган кишининг рўзаси бузилиб, ўша кунги рўзанинг қазоси лозим бўлади, каффорат лозим бўлмайди. Чунки, каффорат фақат жимоъга хосдир. Уйқуда эҳтилом бўлиб, маний чиқарган бўлса, рўзасига зарар етмайди. Чунки, бу унинг ихтиёрисиз юз берган бўлади. Бироқ, жунубликдан ғусл

қилиши вожиб бўлади.

3) Қасддан еб-ичиш. Чунки, Аллоҳ таоло айтади: «То тонгдан оқ ип қора ипдан (яъни, тонг ёруғлиги тун қоронғулигидан) ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар. Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар!» (Бақара: 187).

Аmmo, ким эсида йўқ еб-ичган бўлса, бу унинг рўзасига таъсир кўрсатмайди. Ҳадисда борки: «Ким рўзадор холида унутиб еса ёки ичса, рўзасини охирига етказсин. Чунки уни Аллоҳ едириб, ичирибди» (Бухорий (1933) ва Муслим (1155) Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилганлар).

Қуйидаглар ҳам рўзани бузади:

Бурун орқали сув ёки бошқа бирон нарсанинг қоринга ўтиши, буни бурнаки деб ҳам атайдилар.

Томир орқали баданга озиқлантирувчи модда юбориш, рўзадорга қон қуйиш ҳам рўзани бузади, чунки, бу билан бадан озиқланади.

Озиқлантирувчи укол олиш ҳам таом ўрнига ўтади ва рўзани бузади.

Рўзадор киши рўзасини эҳтиёт қилиб, озиқлантирувчи бўлмаган уколлардан ҳам имкон қадар сақланса ва кечқурунгача кечиктирса яхши бўлади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўзингга шубҳали туюлган нарсани қўйиб, шубҳали бўлмаганини ол», деганлар

(Термизий (2518), Насоий, Аҳмад (1/200, №1727), Ибн Хузайма (2348), Ибн Ҳиббон (2/498, №722) Ҳасан ибн Алий розияллоху анхудан ривоят қилганлар).

4) Ҳижома (зулук ё қортиқ ёрдамида қон олдириш) ёки фасд (томирдан қон олдириш) воситасида бадандан қон чиқариш, шунингдек, беморга ёрдам учун қон бериш ҳам рўзани бузади.

Аммо, таҳлил (анализ) учун оз миқдорда олинган қон рўзага таъсир қилмайди. Шунингдек, рўзадордан унинг ихтиёрсиз қон келиши, яъни, бурни қонаши, жароҳатланиши, тиши тушиши каби сабаблар билан қон чиқиши рўзани бузмайди.

5) Қусиш, яъни, ошқозонидаги нарсани оғиз орқали қасддан чиқариш ҳам рўзани бузади.

Аммо, қусуқ ғолиб келиб, ихтиёрсиз равишда келса, бунинг рўзага таъсири бўлмайди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам айтганлар: «Ихтиёрсиз қусган кишига қазо лозим эмас. Қасддан ҳаракат қилиб қусса, рўзасининг қазосини тутиб берсин» (Абу Довуд (2380), Термизий (719), Ибн Можа (1676) Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилганлар).

Рўзадор киши рўзасини эҳтиёт қилиб, сурма кўйишдан ва кўзига томизғи дорилар томизишдан сақланиши муносибдир.

Оғиз ва бурун чайишда муболаға қилмаслиги, яъни, сувни чуқур тортмаслиги керак. Чунки, сув ичига кетиб қолиши мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рўзадорлигиндан бошқа пайтда истиншоқни муболағали қил (яъни бурунга чуқур сув ол)», деганлар (Абу Довуд (2366), Термизий (788), Насоий (87) Ибн Можа (407) Лақит ибн Собра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Мисвок ишлатиш рўзага таъсир қилмайди. Аксинча, саҳиҳ қавлга кўра, у рўзадорга ҳам, бошқага ҳам кундузнинг исталган пайтида ишлатиш мустаҳаб ва тарғиб қилинган ишдир.

Рўзадорнинг томоғига чанг ёки пашша кетиб қолса, рўзаси бузилмайди.

Рўзадор киши ёлғон, ғийбат, ҳақорат сўзлардан тийилиши лозим бўлади. Агар биров у билан уришса ё ҳақорат қилса: «Мен рўзадорман», десин. Чунки, баъзи одамлар бўладикки, емак-ичмакни тарк қилиши осон бўлади-ю, ўзи одатланиб қолган ярамас хулқ-атвор ва гап-сўзларни тарк қилиши осон бўлмайди. Шунинг учун салафлардан бири: «Емак-ичмакни тарк қилиш энг осон рўзадир», деган эди.

Мусулмон киши Аллоҳдан кўрқиши ва тақво қилиши, Парвардигорининг буюклигини ва У зот уни ҳар доим ва ҳар бир ҳолатини кузатиб турганини ҳис қилиши, рўзасини бузадиган ва нуқсонли қиладиган ишлардан сақланиши



ЛОЗИМ.

Рўзадор Аллоҳнинг зикри, Қуръон тиловати ва кўп нафл ибодатлар билан машғул бўлиши лозим. Салафлар рўза тутганларида масжидларда ўтиришар, рўзамизни асрайлик, бировни ғийбат қилмайлик, дер эканлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ёлғонни, унга амал қилишни ва жоҳиллик (бақир-чақир)ни тарк қилмаса, емак-ичмагини тарк қилишининг Аллоҳга ҳеч қандай ҳожати йўқ», деганлар (Бухорий (1903) Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган). Сабаби, банданинг рўзадан бошқа пайтда мубоҳ бўлган ушбу майл-истакларни тарк қилиш билан Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиши қачонки, Аллоҳ унга ҳар қандай ҳолда ҳам ҳаром қилган ёлғончилик, зулм, одамларнинг қонлари, обрўлари ва молларига тажовуз қилиш каби ишларни тарк қилиш билан Унга қурбат ҳосил қилганидан кейингина ҳосил бўлади.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан марфуъан ривоят қилинган ҳадис борки: «Рўзадор киши модомики, бир мусулмонни ғийбат қилмас ё унга озор бермас экан, ибодатдадир» (Ибн Адий «Ал-камил»да (6/496) келтирган).

Анас розияллоҳу анҳудан марфуъан ривоят қилинишича: «Одамларнинг гўштларини ейишда давом этиб турган киши рўза тутмабди» (Ибн Аби Шайба (4/10, №8975) ривоят қилган).

Демак, рўзадор киши рўзадан бошқа пайтда мубоҳ бўлган

ишларни тарк қилар экан, энди ҳеч қачон ҳалол бўлмайдиган ишларни тарк қилиши ва ҳақиқий рўзадорлар сафига қўшилиши у учун лойиқроқдир.

## **Рўзанинг қазосига доир аҳкомлар ҳақидаги боб**

Қай бир киши Рамазонда мубоҳ сабаб билан, яъни рўза тутмасликка рухсат берувчи бирон шаръий узр билан рўза тутмаган бўлса ёки жимоъ, қасддан еб-ичиш каби ҳаром бўлган сабаблардан биронтаси туфайли рўзасини бузган бўлса, қазосини тутиши лозим бўлади. Аллоҳ таоло айтганидек: «... у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда тутати» (Бақара: 184).

Зиммасидан имкон қадар тезроқ хориж бўлиш учун тезроқ қазосини тутиб беришга шошилиши даркор.

Қазо рўза бирин-кетин (узлуксиз) бўлиши мустаҳабдир. Чунки, қазо ҳам адога ўхшаган бўлади. Агар дарҳол тутиб беролмаса, тутишга қасд қилиб, кейинроққа кечиктириши жоиз. Чунки, ҳали олдинда вақти бор бўлади. Вақти бемалол бўлган ҳар бир ишни қилишга азм қилган ҳолда кечиктириш жоиз. Шунингдек, бўлиб-бўлиб тутиб қўйса ҳам бўлади.

Лекин, шаъбондан фақат қазоси миқдорича кун қолган бўлса, вақт зиклиги учун билиттифоқ бирин-кетин тутиши вожиб бўлади.

Рўзанинг қазосини узрсиз ҳолда кейинги рамазондан ҳам кечиктириб юбориш жоиз бўлмайди. Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: «Зиммамда рамазон рўзаси бўлар, мен унинг қазосини шаъбонга борибгина тутишга қодир бўлардим» (Бухорий (1950) ва Муслим (1146) ривоятлари). Бу шунга далил бўладики, қазони тутиш вақти то шаъбондан зиммасидаги қазо миқдорича кун қолгунича бемалол, бироқ, рамазон келишидан олдин уни тутиб олиши вожиб бўлади.

Агар қазони тутиш имкони бўлмай, янги рамазон келиб қолса, аввал рамазон рўзасини тутади, кейин қазони тутади. Агар узр борлиги туфайли шу пайтгача қазосини тутмаган бўлса, фақат қазонинг ўзини тутади.

Агар узрсиз тутмаган бўлса, қазо билан бирга ҳар бир кунига бир мискинга ярим соъ таом бериши ҳам лозим бўлади.

Агар зиммасида қазо рўзаси бор одам янги рамазон келишидан олдин вафот этса, унга ҳеч нарса лозим бўлмайди. Чунки, унинг ўша вафот этиб кетган муддатда қазони кечиктириш ҳаққи бор эди.

Аммо, янги рамазондан кейин вафот этса, қазони кечиктириши касаллик ёки сафар каби узр билан бўлиб, янги рамазон келиб қолган бўлса, унга ҳам ҳеч нарса лозим бўлмайди.

Агар кечиктириши узрсиз бўлган бўлса, қолдирган меросидан каффорат ажратилади, яъни ҳар бир куни учун бир мискинга таом берилади.

Агар зиммасида зиҳорнинг каффорати ёки ҳаждаги мутъа қони ўрнига вожиб бўлган каби рўзаси бор одам вафот этса, ҳар бир кунига битта мискинга таом берилади, рўза тутилмайди, мискинларга таом унинг қолдирган меросидан берилади. Чунки, у ҳаётида ҳам, вафотидан кейин ҳам ниёбат (ўрнини босиш) етмайдиган рўза эди. Аксар аҳли илмларнинг фикри шудир.

Агар зиммасида назр рўза бўлган одам вафот этса, валийси унинг ўрнига тутиб қўйиши мустаҳабдир. Чунки, «Саҳиҳайн»да келганки, бир аёл Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Онам вафот этди, зиммасида назр рўза бор эди, унинг ўрнига мен тутсам бўладими?», деганида «Ҳа», деб жавоб берганлар (Бухорий (1953) ва Муслим (1149) Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Валийдан мурод меросхўридир.

Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Вафот этган кишининг назр рўзаси тутиб берилади, аслий фарз рўзаси эмас. Бу Ибн Аббос ва Оиша розияллоҳу анҳумодан далил келтирилган Аҳмад ва бошқалар мазҳабидир. Бу далил ва қиёс тақозосидир. Чунки, назр шариат асли билан фарз эмас, балки уни банда ўзига ўзи фарз қилган ва гўёки қарз манзилатида бўлиб қолган. Шунинг учун Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни қарзга ўхшатдилар.

Аммо, Аллоҳ таоло аввалдан фарз қилган рўза эса Исломнинг руқнларидан бири бўлиб, намоз ва икки шаҳодатга кирмагани каби унга ҳам умуман ниёбат (яъни, ўрнига биров адо этиши) кирмайди. Зеро, улардан мурод банданинг ўзи тоат-ибодат қилишидир ва ўзи у учун яратилган ва унга буюрилган бандаликни бажо келтиришидир. Буни эса унинг ўзидан бошқа биров унинг ўрнига адо этолмайди, унинг ўрнига бошқа биров намоз ўқиб беролмайди» (Таҳзибус-сунан: 7/27-28).

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Унинг номидан ҳар кунига битта мискинга таом берилади. Аҳмад, Исҳоқ ва бошқалар шу фикрни ушлаганлар, бу ҳам асар, ҳам назарнинг тақозосидир. Назр зиммада собит бўлгани учун ўлганидан кейин ҳам қилинади» («Хошиятур-равзил-мурбий» соҳиби ундан нақл қилган: 3441).

Аммо, рамазон рўзасига келсак, Аллоҳ таоло рўза тутишдан ожиз одамга уни фарз қилмади, балки рўза тутишдан ожиз бўлган кишига бир мискинга таом беришни буюрди. Қазосини тутиш унга қодир бўлган одам зиммасига фарз эди, ундан ожиз кишига эмас. Шундай экан, бир киши бошқа бир киши ўрнига қазо тутишига ҳожат йўқ.

Назр рўза ва бошқа назрларга эса ҳеч хилофсиз вафо

қилинади. Чунки, бу ҳақда саҳиҳ ҳадислар келган.

## **Кексалик ёки беморлик туфайли рўза тутолмайдиган одамга лозим бўлган нарса хақидаги боб**

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мусулмонларга рамазон рўзасини: узри бўлмаган кишиларга адо (яъни, вақтида тутиш) кўринишида, кейин тутиб беришга қодир бўладиган узрли кишиларга эса қазо (кейин тутиб бериш) кўринишида фарз қилди.

Энди ўта қари ёки тузалишидан умид йўқ бўлган бемор каби учинчи бир турли кишилар ҳам борки, улар на адо, на қазо рўза тутишга қодир бўладилар. Аллоҳ таоло бу турдаги кишилардан рўзани енгиллатди ва уларга рўза тутиш ўрнига ҳар бир кун учун битта мискинга ярим соъ миқдорида таом беришни фарз қилди.

Аллоҳ таоло айтади: «Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди» (Бақара: 286).

«(Кексалик ёки заифлиги сабабли) рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг бир кунлик таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим» (Бақара: 184).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтадилар: «У ёши катта қария ва кекса кампирки, рўза тутишга қодир бўлмайдилар,

улар ҳар кунги рўза ўрнига битта мискинга таом берсинлар» (Бухорий ривояти (4505)).

Тузалишидан умид бўлмаган оғир бемор ҳам кекса киши ҳукмидадир, у ҳам ҳар куни ўрнига битта мискинга таом беради.

Аммо, мусофир ва тузалишидан умид бор бўлган бемор, рўза ўзига ё боласига зарар етказиши хавфи бўлган ҳомиладор ё эмизикли аёл, ҳайз ва нифосдаги аёл каби давомий бўлмаган узр туфайли рўза тутмаган кишилардан ҳар бири рўза тутмаган кунларининг қазосини бошқа кунларда тутиши шартдир. Аллоҳ таоло айтади: «Энди сизлардан бирор киши ҳаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда тутди» (Бақара: 184).

Рўза тутиш зарар қиладиган бемор ва намозни қаср ўқиши жоиз бўлган мусофирнинг рўза тутмаслиги суннатдир. Аллоҳ таоло улар ҳақида: «... у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда тутди», деди (Бақара: 184). «Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди», деди (Бақара: 185). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қачон икки ишдан бирини танлашга ихтиёрли бўлсалар, албатта енгилроғини танлардилар (Бухорий (3560) ва Муслим (2327) Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар). «Саҳиҳайн»да келган ҳадисда айтилишича: «Сафарда рўза тутиш

яхшиликдан эмас» (Бухорий (1946) ва Муслим (1115) Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анҳудан ривоят қилганлар).

Рўза тутишга қийналадиган мусофир ёки бемор рўза тутса, рўзаси дуруст, бироқ кароҳатли бўлади.

Аммо, ҳайзли ва нифосли аёлнинг рўза тутиши ҳаром ва рўзаси дуруст эмас.

Эмизикли ва ҳомиладор аёл рўза тутмаган кунлари қазосини бошқа кунлари тутиб бериши лозим бўлади. Боласига зарар етишидан хавф қилиб тутмаган аёл қазосини тутишидан ташқари ҳар кунига бир мискинга таом ҳам бериши лозим.

Аллома Ибнул Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Ибн Аббос ва бошқа саҳобалар ҳомиладор ва эмизикли аёл агар фарзандига хавф қилса, рўза тутмаслигига ва ҳар бир кунига битта мискинга таом беришига фатво берганлар» (Иъламул-муваққиъийн: 3/211). Яъни, қазо лозим бўлиши билан бирга адо қиладилар.

Чўкиш ё ёниш каби ҳалокатга дучор бўлаётган одамни қутқариш учун оғиз очишга муҳтож бўлган кишига оғзини очиш лозим бўлади.

Ибнул Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Фитр (яъни, рўза тутмаслик) сабаблари тўртта: сафар, касаллик, ҳайз, рўза туфайли ҳалокат етишидан хавф бўлган кишининг



халокатидан қўрқиш, эмизикли ва ҳомиладор аёл каби, чўкаётган одам масъаласи ҳам шунга ўхшайди» (Бадаиъул-фаваид: 4/846).

Мусулмон кишига рамазон рўзаси, каффорат рўзаси, назр рўзаси каби вожиб рўзанинг ниятини кечаси тонг отмасидан қилиши, яъни рамазон рўзасини ё қазосини ё назр ё каффоратни тутаман деб дилидан ўтказиши шарт бўлади. Чунки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Амаллар фақатгина ниятлар билан (эътибор қилинади), ҳар бир киши учун фақат ният қилган нарсаси бўлади», деганлар (Бухорий (1) ва Муслим (1907) Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Оиша розияллоҳу анҳодан марфуъан ривоят қилинган ҳадис борки: «Ким тонг отмасидан туриб рўзани қасд қилмаса, унинг рўзаси рўза эмас» (Насоий (2341) Оиша ва Ҳафса розияллоҳу анҳумодан, Абу Довуд (2454), Термизий (730), Насоий (2331) Ибн Можа (1700), Аҳмад (6/287, №26457) Ҳафса розияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар). Демак, фарз рўзани тунда ният қилиш лозим бўлади.

Ким рўзани кундузида ният қилса, яъни, тонг отганидан сўнг ҳеч нарса емасдан, рўзага ният қилиб олса, рўза ўрнига ўтмайди, фақат нафл рўзада бундай қилиш мумкин.

Фарз рўза кундузи қилинган ният билан яроқли бўлмайди. Чунки, рўза кундузнинг барча қисмида фарз эди, ният ўзидан олдинги вақтни қамрай олмайди.

Аммо, нафл рўза бўлса, кундузи ният қилиш ҳам мумкин. Чунки, Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилишларича: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг олдимга кирдилар ва: «Бирон егулик борми?», деб сўрадилар. Биз: «Йўк», деган эдик, «Ундай бўлса, мен рўзадорман», дедилар (Муслим (1154), Абу Довуд (2455), Термизий (733), Насоий (2322), Ибн Можа (1701), Аҳмад (6/49, №24220) ривоятлари).

Ҳадис мазмунига кўра, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам рўзадор эмасдилар, чунки егулик сўрадилар. Демак, бунда нафл рўзанинг ниятини кечиктириш жоизлигига далил бор, буни ман қилувчи далиллар шу билан хосланади.

Кундузида ният қилинган нафл рўзанинг яроқли бўлиш шарти шуки, ундан олдин рўзага зид бўлган ейиш, ичиш каби бирон иш ўтмаган бўлиши керак. Агар рўзага ният қилишдан олдин еб-ичган бўлса, рўзаси яроқли бўлмайди.